НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА МУНИРА РАСУЛОВНА

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ МЕТОДИК ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (тиббиётда педагогикани ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт)
(педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

УДК 61:370.152

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctorial dissertation (DSc)

Кадирова Мунира Расуловна
Тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни методик такомиллаштириш технологиялари (тиббиётда педагогикани ўқитиш мисолида) 3

Кадирова Мунира Расуловна
Технологии методического повышения профессиональной компетентности в процессе медицинского образования (на примере преподавания педагогики в медицине) 33

Kadirova Munira Rasulovna
Technologies for methodological improvement of professional competence in the process of medical education (on the example of teaching pedagogy in medicine) 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works. 67

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА МУНИРА РАСУЛОВНА

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ МЕТОДИК ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (тиббиётда педагогикани ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт)
(педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Фан доктори диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Ped188 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ҳамда "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мусурмонова Ойниса**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмадалиева Нигора Одиловна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Исмоилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «22» апрель соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Бобуршох кўчаси 316-уй. Тел.: (99869) 228- 85- 01; факс: (99869) 228- 85- 02; e-mail: info@namdu.uz.

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (720 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Диссертация автореферати 2022 йил «8» апрель куни тарқатилди.
(2022 йил «8» апрелда 2 - рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш раиси,
с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи
бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби PhD, доцент

Ф.И.Саломова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ривожланган мамлакатлар тиббий таълим масалалари, бўлажак шифокорларнинг деонтологияси ва касбий компетентлик масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар асосида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, Германиянинг Akkon Hochschule für Humanwissenschaften университетида тадқиқ этилган “Тиббиёт педагогикаси” ва “Тиббиёт деонтологияси”, АҚШ да “Саломатлик педагогикаси”, “Тиббий таълим бўйича Жаҳон Федерациясининг Эдинбург Декларацияси” “Тиббий ахлоқнинг халқаро кодекси”, шулар жумласига киради. Уларда энг аввало, жамият томонидан белгиланган, касбий фаолиятдаги мақсадларга эришиш касбий ривожлантириш ўзини-ўзи шифокор сифатида шакллантириш ифодаси мавжуд; иккинчидан, шифокорлик, педагоглик касбидаги инсоний муносабатлар тизими мавжуд.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларда бўлажак шифокорларнинг касбий маданияти, касбий муносабати бевосита унинг касбий деонтологияси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ушбу тушунчалар бўлажак шифокорларни тайёрлашда узвий равишда тадқиқ қилишни тақозо қилади. Жаҳон илмий адабиётларида, ушбу ижтимоий педагогик муаммонинг айрим қирралари маълум даражада ўрганилиб, уни ҳал қилиш усулларини топишга қаратилган тажриба тўпланган. Бироқ, муаммонинг бўлажак шифокорлар касбий компетентлиги билан боғлиқ жиҳатлари кам ўрганилгани тадқиқот ишларида тиббий таълим жараёнида касбий компетентлик масалалари, касбий деонтология, ҳамда касбий маданият уйғунлигидаги назарий жиҳатлари алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тиббий таълим соҳасини ислоҳ қилиш, тиббий таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, бўлажак шифокорларни касбий ривожланишнинг замонавий механизмларини тадбиқ этиш, тиббиётга доир замонавий ўқув адабиётларининг ресурсларини халқаро тажрибалар асосида янгилашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди ва моддий-техника базаси ривожлантирилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”[1], тиббий таълим тизими соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгиланди. Бугунги пандемия шароитида замонавий билимга эга бўлган шифокорларни тайёрлаш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган талаблар юқоридагилар билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017 сон “Ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тиббиёт олий ўқув юртларида “Тиббиёт педагогикаси” масалалари, ҳамда соғлом турмуш тарзининг фалсафасини ва методологик, услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолаш мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Германиянинг Akkon Hochschule für Humanwissenschaften университетида, Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA, KASP(Жанубий Корея), HPRC (АҚШ); Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH (Буюк Британия) ва Федератив саломатлик маркази, JOICFP, JSHEP (Япония); School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health, (XXP); Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, Гигиена илмий-амалий маркази, СДУ (Россия) каби дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда тиббиёт педагогикасини тадбиқ этиш, ҳамда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш муаммоси бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинди: Германиянинг Akkon Hochschule für Humanwissenschaften университетида тиббий таълимда тиббиётга доир дидактик материалларни қўллаш масаласи, ёшлар ўртасидаги руҳий саломатлик ҳақидаги билимлардан хабардорлигини ошириш мақсадида Кореяда ёшлар соғлигини сақлаш дастури ишлаб чиқилган (Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA, KASP); соғлом турмуш тарзига оид ўқув-дастурий ва методик материаллар яратилган, талаба ва талабаларнинг соғлом турмуш тарзи бўйича саломатлик рейтинглари, таълим муассасалари рейтинглари аниқланган (JOICFP,JSHEP);

тиббиёт билан замонавий Европа тиббиёти ютуқлари ўзаро мувофиқлаштирилган, соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб этилган (School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health); соғлом турмуш тарзи (Healthy Lifestyle), инсон саломатлиги муҳофазаси ва саломатликни мустаҳкамлаш (Health Promotion) ва саломатлик педагогикаси (Health Education) бўйича давлат таълим стандартлари яратилган, ҳамда педагогик мазмуни такомиллаштирилган (SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC); ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, фаровонлигини таъминлаш, ўзгаришларни таҳлил дастури ишлаб чиқилган (Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, Brighton University, AYPH); ўсмирларнинг ижтимоийлашуви аспектида соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-биологик ва психологик-педагогик асослари ишлаб чиқилган (Федератив саломатлик маркази, Гигиена илмий-амалий маркази, СДУ).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиздаги соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш маданиятини тадқиқ этган педагог олимлардан: А.Абдуқодиров, О.Жамолитдинова, Р.Джўраев, Х.Ибрагимов, А.Исимова, З.Исмоилова, С.Йўлдошева, Ш.Мардонов, М.Маҳмудова, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Очилов, С.Очилов, К.Рисқулова, С.Турсунов, Д.Шарипова, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, Ш.Қурбонов, М.Қуронов ва бошқалар[1]маънавий баркамол шахсни тарбиялаш масалаларини турли жиҳатларини ўрганилган. Шунингдек, бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни тарбиялаш тизимини ривожлантириш масалаларини тадқиқотчи Н.Ахмедова томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

М.Давлетшин, В.Каримова, З.Нишонова, Н.Сафаев, Н.Соғинов, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев ва бошқалар томонидан ёшлар таълим-тарбиясининг психологик жиҳатлари, улар тарбиясига ижтимоий муҳит ва жамоатчиликнинг психологик таъсири масалалари ўрганилган. Бўлажак тиббиёт ходимининг касбий йўналтиришнинг тиббиёт коллежи талабаларида касбий компетентликни шакллантириш масалалари Ю.Э.Раҳимова томонидан тадқиқ қилинди. Психолог Г.Д.Кулдашеванинг тадқиқотлари эса тиббиёт институти талабалари ўқув фаолияти мотивациясини ташҳис қилиш масалаларига бағишланган.[2]

---

[1] Абдуқодиров А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. –Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. - 44 б. Жамолдинова Г. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. пед. фан. док. – Т., 2015.– 51 б.; Джўраев Р. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент, 2010. - 87 б.; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика/ ўқув қўлланма. –Тошкент: ФАН, 2004. – 182 б. Исимова А. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шаллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (V-IX синфлар мисолида): Дис…пед. фан. номз.: -Т., 2004. -213 б.; Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари: Дис…пед. фан. д-ри. – Т., 2006. - 45 б.; Йўлдошева С. Ўзбекистонда соғлом авлодни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари: Дис. … пед. фан. номз. – Тошкент, 2001.–119 б.; Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. // Пед. фан. докт. ...дисс. –

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари А.Ф.Георгиевский, П.Л.Дрибинский, А.Д.Дубачай, Т.В.Каменская, А.Д.Карабашева, Е.А.Меньш, Г.П.Новикова, Е.А.Пипко, Г.М.Популо, О.А.Пласкина ва бошқалар томонидан талаба-талабаларини соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш масалалари илмий педагогик жиҳатдан асосланган, Тиббий норматив компетенциялар билан биргаликда, юксак касбий фазилатларга эга шахс сифатида тайёрлаш, тиббиёт педагогикаси масалалари М.С.Дианкина, Н.В.Кудрявая, К.В Зорин ўрганилган.[3]

Тиббий таълимда педагогикани ўқитиш маслалари бўйича хорижлик олимлар Mainul Haque, Mark Holden, Era Buck, Mark Clark, Karen Szauter,

---

Тошкент:2006. – 302 б. Махмудова М. Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими. Дис. … пед. фан. д-ри. – Тошкент, 2007. – 282 б.; Мусурмонова О. Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 1993. – Б.48. Нишонова С. Ёшлар тарбиясининг маънавий илдизлари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 186 б. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида Ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан. докт. дисс. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 2000. – 305 б. Очилов М. Олий мактаб педагогикаси. –Тошкент: Алоқачи, 2008. – 304 б. Рисқулова К. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги: Автореф. дис. ... пед. фан. номз.– Тошкент, 2011. - 21 б; Турсунов С Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “соғломлаштириш мактаби” педагогик тизимини ривожлантириш: Дис. … пед. фан. д-ри. – Тошкент, 2011. - 343 б. Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. –Тошкент 1990; Шодмонова Ш. С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. дисс. – Тошкент, 2010. – 340 б; Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2010. – 332 б. Қурбонов Ш.Э., Сайитхалилов Э.А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. –Т.: “Маърифат-мададкор”, 2001. –С. 656; Қуронов М. ва бошқалар. «Маънавий тарбия: хрестоматия (Баркамол авлодни тарбиялашда Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-тарбиявий мероси асосида)-Тошкент, 2014. 631-б.; Ахмедова Н. Бўлажак шифокорларда касбий – маънавий фазилатларни тарбиялаш тизимини ривожлантириш Автореферат PhD. – Наманган 2020. – 23 б;

[2]Давлетшин М.Ғ, Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласининг психологик хусусиятлари. – Тошкент, 1993; Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: Автореф. дис. ... пед. фан. номз. 1994.; Нишонова З.Т. Юқори синф ўқувчиларининг ақлий фаолияти усуллари. – Тошкент, 1993.; Сафаев Н. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодёжи. Дис. ... д-ра..псих. наук. – Тошкент, 2006; Соғинов Н.А.Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. –Тошкент, 1996.- 168 б.; Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлар психологияси). –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 224 б; Рахимова Ю.Э. Формирование профессиональной компетентности учащихся медицинских колледжей. А-реф дисс.на соиск. Уч. Степени канд. Пед. Наук. Т-: 2012. 24-с;

[3]Георгиевский А.Ф. Формирование культуры здорового образа жизни младших подростков в общеобразовательных учреждениях: Дис. ... канд. пед. наук. - М.: 2009.-143 с.; Дрибинский П.Л. Педагогические условия формирования ценностного отношения к здоровью у детей младшего и среднего школьного возраста: Дис. ... канд. пед. наук. - Смоленск, 2009.– 241с.; Дубачай А.Д. Психоло-педагогические основы формирования ЗОЖ жизни школьников младших классов: Автореф. дис. … канд. пед. наук. – Киев, 1991. - 20 с.; Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. - М., 2000., Каменская Т.В. Развитие культуры здоровья детей дошкольного возраста: Дис. ... канд. пед. наук. - С-Петербург, 2007. – 276 с.; Карабашева А.Д. Формирование здоровьесберегающих компетенций у старшеклассников общеобразовательной школы: Дис. ... канд. пед. наук.– Карач.: 2009. - 188 с.; Кудрявая Н.В., Зорин К.В. Введение в духовную культуру врача // Психологические основы деятельности врача. - М., 1999. , Меньш Е.А. Формирование ценностного отношения студентов к здоровьюсредствами межкультурной коммуникации: дис. ... канд. пед. наук.- Тюмень, 2010.- 246 с.; Новикова Г.П. Взаимосвязь музыкального и изобразительного народного искусства как эстетического воспитания детей старшего дошкольного возраста. Автореф. дис. ... канд. пед. наук.- М.: 1994; Популо Г. М. Педагогические условия формирования здорового образа жизни студентов в зависимости от характерологических свойств личности: Дис. ... канд. пед. наук. – Самара, 2006. – 173 с.; Плаксина О.А..Формирование ценностного отношения к здорового образа жизни у студентов педагогических специальностей университета: Дис ... канд. пед. наук: - Рязань, 2008. - 298 с.

I.Wilson, L.Cowin, M.Johnsonлар тиббий таълим масалалари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда.[4]

Мавжуд тадқиқотлар таҳлили бугунги кунда бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича айрим илмий-педагогик зиддиятлар мавжудлигини кўрсатди. Чунончи:

тиббий таълим жараёнида педагогика фанида ҳар бир бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини тарбиялаш ва ушбу масаланинг назарий асослари ва амалий методик жиҳатларининг мутахассисликлари кесимида ишлаб чиқилмаганлиги;

тиббиёт таълим амалиётида шифокор - педагогларга бўлган эхтиёжнинг мавжудлиги, лекин уларни ўқув жараёнига тайёрлаш учун назарияси ва амалиётида етарли даражада илмий-услубий таъминотнинг мавжуд эмаслиги;

Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги шифокор-педагогларни тайёрлашда педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва тиббиёт олий таълим муассасаларига жорий қилиш заруратини юзага келтирди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг 20160817122231 рақам билан қайд қилинган “Тиббий таълим педагоглари учун “Тиббиёт педагогикаси” электрон методик порталини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни методик такомиллаштириш технологиялари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг назарий-методологик асослари ёритиш, ҳамда педагогик категорияларини аниқлаш;

тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларнинг касбий – профессиограммасининг таркибий қисми, компетентлигини ривожлантириш динамикасини аниқлаштириш;

тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини методик таъминотини ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитларни асослаш ва амалиётда синаб кўриш;

тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш;

тиббий таълим ўқув жараёнида касбий компетентликни ривожлантириш компонентлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш сифатида белгиланди.

---

[4] Mainul Haque. Influence of Role Model for Professional Development in Medical Education. November 2017 Journal of Global Pharma Technology 12(9):10-18; Mark Holden, Era Buck, Mark Clark, Karen Szauter & Julie Trumble. Professional Identity Formation in Medical Education: The Convergence of Multiple Domains *HEC Forum* volume 24, pages 245–255(2012) ; Wilson, I., Cowin, L. S., Johnson, M. & Young, H. Professional identity in medical students: pedagogical challenges to medical education. Teaching and Learning in Medicine: an international journal, (2013). 25 (4), 369-373.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббиёт таълимида касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни танлаб олинган бўлиб, тажриба – синов ишларида Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институтининг 641 нафар респондент – талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган муаммога доир моделлаштириш, анкета сўровлари, тестлар, кузатув, талабалар фаолиятини ўрганиш, педагогик кузатиш, суҳбат, интеграл диагностика, социометрия, педагогик эксперимент, социологик сўровлар, контент таҳлил, интервью, математик-статистик методлар, ҳамда педагогик тажриба-синов ишларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиббий таълим жараёнида касбий компетенцияларни лойиҳалаш босқичлари, бўлажак шифокорларни тайёрлашдаги касбий профессиограммасининг таркибий қисмида кўрсатилган зарурий компетенциялар, касбий компетенциялар индикаторлари, касбий компетентликни ривожланиш динамикаси, касбий фаолиятнинг тиббий таълимдаги семантик мазмуни ҳамда касбий фаолият билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

тиббий таълим ўқув жараёнида касбий фаолликни ошириш мақсадида “Консорциум”, “Франчайзинг” масофавий модул курсларини мутахассислик фанларда қўллаш орқали талабаларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижлик талабалар билан фикр алмашиш кўникмалари ривожлантирилган;

тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методик таъминотининг педагогик шарт-шароитлар мажмуини амалга ошириш бўйича векторли моделлаштириш техникаси орқали замонавий усулларнинг тизимли лойиҳаси тақдим қилинган ва тиббий таълимнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган концептуал тавсиялар ишлаб чиқилган;

тиббий таълим жараёнида талабаларнинг касбий компетентлигининг мотивацион, деонтологик, касбий фаолиятга йўналтирилганлик компонентлари “Бўлажак шифокорларда касбий компетенцияларни ривожлантириш” моделини киритиш орқали такомиллаштирилган;

тиббий таълимда “шахс” муаммоси, олий тиббий таълимнинг умумий тенденциялари ва қонуниятларини ривожлантиришда бўлажак шифокорлар касбий компетентлигининг педагогик категориялари аниқланиб, тиббиёт педагогикаси орқали касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион педагогик тизимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўқув-услубий таъминоти яратилган;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 236 – сонли 08.09.2020 йил буйруғи билан 5510700 -Олий ҳамширалик иши, 5511100-Халқ табобати, 5313000 Биотиббиёт муҳандислиги таълим йўналиши таълим йўналиши Психология ва Педагогика модул дастурини тайёрлашда “Тиббиётда педагогик билимларнинг ўрни ва аҳамияти”, “Тиббиётда замонавий таълим ва тарбия жараёни” мавзулари, 5111000 - Профессионал таълим (5510100)-Даволаш ишининг Педагогика модул дастурини тайёрлашда “Тиббий педагогик компетенция”, “Махсус педагогика ва тиббий педагогика”мавзулари, Соғлиқни сақлаш йўналишининг магистратура мутахассисликлари учун Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат модул дастурини тайёрлашда “Интерфаол методлар ва таҳлилий органайзерлар”, “Муаммоли ва эвристик таълим технологияларидан фойдаланиш” мавзулари киритилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522 – сонли буйруғига асосан, 5111000 – Касб таълими, ҳамда 5510900- Тиббий биологик иш йўналишлари учун тайёрланган “Касбий педагогика” ўқув қўлланмасини яратиш жараёнида тадқиқот материаллари, хулосалар ва тавсияларидан фойдаланилган;

“Тиббий таълим педагоглари учун “Тиббиёт педагогикаси” электрон методик порталини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида http://mede.uz/ тизими ишга туширилган, ҳамда ундан мутахассислик фанларига доир методлардан фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога тарихий, фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга, ҳамда олий таълим муассасалари талабаларида маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва хориж олимлари, шунингдек, касбий педагогик фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш имкониятларини очиб берилганлиги; тиббиёт таълим жараёнида касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни, касбий компетентликни ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлиги, ҳамда уларнинг назарий, тарихий намуналар, ёндашувлар билан бойитилганлиги, касбий компетентликни шифокор фаолияти мақсадларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш асосида ушбу фазилатлар комплексини педагогик таъминлаш босқичлари, компонентлари, касбий компетентлик параметрларининг аниқлаштирилганлиги, тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларнинг

касбий компетентлигини ривожлантиришга доир методлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга тадбиқ этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тиббий таълим жараёнида тиббий таълимда “шахс” муаммоси, олий тиббий таълимнинг умумий тенденциялари ва қонуниятларини ривожлантиришда бўлажак шифокорлар касбий компетентлигининг педагогик категориялари аниқланиб, тиббиёт педагогикаси орқали касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион педагогик тизимлари “Diagnostic analysis of communicative competence in the professional activity of future doctors” номли монографияси мазмунига киритилган, ҳамда тиббий таълим жараёнининг методик самарадорлигини оширишда хорижий давлатларда фойдаланилган (Германиянинг Akkon Hochschule für Humannwissenschaften олий тиббий педагогика мактабининг 2021 йил 24 ноябрдаги 3436-сон маълумотномаси). Натижада тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш механизмлари такомиллаштирилган;

тиббий таълим жараёнида касбий компетенцияларни лойиҳалаш босқичлари, бўлажак шифокорларни тайёрлашдаги касбий – профессиограммасининг таркибий қисмида кўрсатилган зарурий компетенциялар ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 5111000 – Касб таълими, ҳамда 5510900 -Тиббий биологик иш йўналишлари учун тайёрланган “Таълим технологиялари” номли дарслиги мазмунига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш марказининг 2021 йил 13 октябрдаги РМ II – 58-сон маълумотномаси). Натижада, касбий фаолиятнинг тиббий таълимдаги семантик мазмуни такомиллаштирилган;

тиббий таълим ўқув жараёнида касбий фаоллигини ошириш мақсадида “Консорциум”, “Франчайзинг” масофавий модул курсларини мутахассислик фанларда қўллаш механизмлари ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418 – сонли буйруғига асосан, 5111000 – Касб таълими, ҳамда 5510900- Тиббий биологик иш йўналишлари учун тайёрланган “Таълим технологиялари” номли дарслиги мазмунига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш марказининг 2021 йил 13 октябрдаги РМ II – 58-сон маълумотномаси). Натижада, тиббий таълим талабаларнинг бир вақтнинг ўзида бир қатор хорижлик талабалар билан фикр алмашиш кўникмалари ривожлантирилган;

тиббий таълим жараёнида бўлажак шифокорларни касбий компетентлигини ривожлантиришни методик таъминотининг педагогик шарт-шароитлар мажмуига доир методикалар ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 5111000 – Касб таълими,

ҳамда 5510900 -Тиббий биологик иши йўналишлари учун тайёрланган “Таълим технологиялари” номли дарслиги мазмунига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш марказининг 2021 йил 13 октябрдаги РМ II – 58-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий усулларнинг тизимли лойиҳаси тақдим қилинган ва уни ўқув жараёнида жорий этиш учун концептуал тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография бундан 1 та монография республикамизда,1 та монография хорижда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, 175 саҳифа матн, 8 та жадвал, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 30 саҳифа иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тиббий таълим жараёнида тиббиёт педагогикасини шаклланиши ва ривожланиши ”** деб номланган биринчи бобида тиббий таълимда педагогика фанининг вазифалари, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, ҳамда уни ривожланган давлатлар даражасига кўтаришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор берилаётгани, тиббий таълимнинг муаммолари, тиббий таълимда “шахс” муаммоси, олий тиббий таълимнинг умумий тенденциялари ва қонуниятларини ривожлантиришда педагогика фанининг ўрни, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини тартибга солувчи инновацион педагогик тизимлар ва принципларини амалга ошириш масалалари ёритилган.

Бунда диссертация мавзусининг ўзига хослиги тиббий таълим талабаларини касбий фаолият жараёнига тайёрлашда касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.Тадқиқотлар давомида тиббиёт педагогикасининг муаммолари ўрганилиб қуйидагича таъриф берилди.

Тиббиёт педагогикаси – бўлажак шифокорларни ўқитиш жараёнида мутахассислик фанларининг интеграцияси орқали ноанъанавий усулларини фаол равишда ишлаб чиқаётган илмий билим ва амалиёт соҳасидир. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, соғлигида ўзгариш ҳис қилган инсонлар кўпроқ мулоқот орқали соғликларини тиклаш имкониятига эга эканлар. Соғлигида нуқсони бўлган инсонлар билан психологик, психотерапевтик машқлар кўпроқ самара беришини кўрсатиб беряпти. Мустаҳкам соғлик кўп ҳолларда оиладаги ижтимоий муҳитга ҳам бориб тақалиши тадқиқ этилган.

Тиббий таълим жараёнини тадқиқ этиш жараёнида тиббий таълимда педагогиканинг мақсадини қуйидагича белгилади: тиббиёт йўналиши талабаларида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, одоб-аҳлоқ, тарбия, ҳаётий ва касбий фаолиятлари учун копинг – стратегияларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши шароитида толерантлик хусусиятларини шакллантириш, мустақил фикрлаш ва шахсий ҳатти-ҳаракатлари оқибатларини олдиндан сезиш, ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, тўғри мақсад қўйиш ва унга эришиш бўйича педагогик ва психологик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тиббиёт соҳасида педагогиканинг шаклланиши ва ривожланиши учун тарихий-педагогик изланишларни ташкил қилишда қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади; у ёки бу ҳодисани шакллантириш концепциясини мавжудлиги; фан ва амалиёт ғояларининг мавжудлиги; педагогика ва тиббиёт ўртасидаги боғлиқлик ва уларни тарихий-педагогик жараёнда амалга ошириш ғояларининг мавжудлиги.

Тадқиқотлар таҳлилларидан келиб чиқиб, “Касбий компетентликни”ни ривожлантириш масалаларига тўхталдик.

Касбий компетентлик ахлоқий фазилатларнинг бир кўриниши сифатида когнитив жараённинг моҳияти ва шахсни ривожлантиришда уни амалга ошириш хусусиятларини очиб бериш лозим. Бўлажак шифокорнинг касбий компетентлиги унинг билимлари, кўникмалар, тамойиллар ва эътиқоддан иборат бўлиб, бу фазилатларни амалга ошириш кўникмалари ва қобилиятлари, бўлажак шифокорнинг кундалик фаолиятида намоён бўлади.

Касбий компетентликнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагича белгиладик:

Биринчидан, унинг мутахассислик хусусиятига эга эканлигида ва касбий фаолиятнинг мазмуни билан ўз эгаллаган соҳасига кириша олишида. Бундан ташқари, деярли бўлажак шифокор ҳеч бир ижтимоий фаолияти унинг таъсиридан ташқарида бўлмайди. Ўзи ёлғиз қолганда ҳам, инсон ўзининг касбий компетентлик таъсирида ўйлайди ва ҳаракат қилади.

Иккинчидан, бўлажак шифокорнинг касбий компетентлиги унинг онги, ҳисси, иродасида ҳам намоён бўлиб, уни ўз соҳасига доир қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатади.

Учинчидан, касбий компетентлик шахснинг дунёқараш даражасига, шахсий жавобгарлик ҳиссига бевосита боғлиқ.

Умумий маънода бўлажак шифокорнинг касбий компетентлиги уч таркибий қисм асосида шаклланади. Булар – ***касбий маънавият, касбий ахлоқ ва касбий маданиятдир.***

Касбий компетентлик бу – касбий фаолият меъёрлари, тушунчалар ва мулоҳазаларнинг субъектив англанган ифодасидир. Инсон ҳаётида у инсон онгининг ақлий фаолияти шакли сифатида намоён бўлади.

Касбий компетентлик - шифокор ва бемор ўртасидаги объектив ва субъектив хусусиятларга эга. Уларнинг объективлиги шундаки, улар касбий фаолият талаблари билан белгиланади, шунингдек, унинг мазмуни принципиал жиҳатдан иқтисодий, сиёсий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг моҳияти билан белгиланади. Касбий маданият муносабатлар субъектив хусусиятига эга, чунки улар ҳақиқатан ҳам тўғридан-тўғри мутахассис, шахс томонидан амалга ошади.

Тадқиқотларимиз давомида касбий компетентликни бир нечта компонентларини таҳлил қилдик (1-расмга қаранг).

Компонентлари	**Фаолият мазмуни**
Мотивацион	- касбий фаолиятга доир қадриятлар,шифокорликка йўналтирилган касбий мотивлар, шифокор ва бемор муносабатлари;
Когнитив	- касбий билим, кўникма ва малакалар тизими; - касбий фаолиятга доир фикрлар; - тиббиётга доир фикрлар, ҳамда тиббий прогнозлаш.
Деонтологик	- шифокорлик фаолиятида намоён бўладиган шахсий фазилатлар (коммуникативлик, ташкилотчилик, интизомлилик, шифокор ва бемор муносабатлари орқали ишлай олиш; - вербал ва новербал мулоқотларни йўлга қўйиш; - шифокор фаолиятнинг индивидуал хусусиятларини ва технологияларини узлуксиз ривожлантиришга интилиш.
Касбий-фаолиятга йўналтирилган	- тиббиёт тарихи, касбий педагогика, касбий психология, касбга кириш фанларни ўқитишда шифокорлик фаолиятини ҳаёт билан боғлиқликни таъминлаш; - бўлажак шифокорларда касбий кўникмаларини шакллантириш; - реал ҳаётий вазиятларни яратиш ва ўқувчиларда мулоҳаза юритиш кўникмаларини таркиб топтириш.

1-расм. Бўлажак шифокорларни касбий компетентлигини ривожлантириш компонентлари

Биз тадқиқ этган тадқиқотимизда касбий компетентлик, касбий фаолият таркибий қисмларининг ўзаро уйғунлигида бўлажак шифокор маданиятининг моҳияти ўз ифодасини топади. Шу сабабли ҳар бир бўлажак шифокор ўзининг касбий фаолияти учун шахсий маънавий жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт. Чунки бу унинг мақсадларини белгилаши, қарор қабул қилиши, шахсий хулқ-атворни режалаштириш ва ўзига боғлиқ бўлган касбий фаолиятнинг асосий бўғинидир. Юксак профессионалликни юксак касбий маданиятга, ижтимоий фаоллик, шахсий ишонч, онгли мотив ва одатий хатти-ҳаракатлар нормаларига айлантириш бугунги кунда олий тиббий таълим муассасаларининг асосий тарбиявий вазифаси эканлиги ёритилган.

Тиббиёт ходимининг касбий компетентлигини ҳамда касбий фазилатлари ҳамда уларни намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш доирасида биз тиббиётнинг ижтимоий ва касбий муносабатларни алоҳида соҳаси сифатида аниқлаш мумкин, деб ҳисобладик. Шифокорлик касби – бу махсус тайёргарлик, тажриба ва иш тажрибаси натижасида олинган махсус тиббий назарий билимлар ва амалий кўникмалар тўпламига эга бўлган мутахассиснинг меҳнати ифодаланганлиги турибди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, касбий компетентлик шифокорлар касбий фаолиятини тартибга солиб, унинг самарадорлигини таъминлайди, чунки бу муайян ҳолатларда тиббий билим ва кўникмаларни қўллашга йўналтирувчи ва чекловчи ички, корпоратив ахлоқий меъёрлардир. “Ахлоқ, – деб ёзади бу ҳақида Т.А.Ковелина, – шифокорнинг шахсияти унинг яхлитлигининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ахлоқ ва унинг талабларидан воз кечиш ўзини шифокор бўлиш имкониятидан маҳрум қилишни англатади” деб таъкидлайди.

Шифокор маданиятини унинг ҳулқ – атвори ва маданияти белгилайди. Шифокорнинг касбий ахлоқи инсон саломатлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш ва унинг мақсадларига амал қилиш билан белгиланади. Шифокор ахлоқи нима? Бу шифокорнинг ўз фаолияти соҳасидаги хулқ-атворининг ахлоқий қадриятлари ҳақидаги фан сифатида таърифланиши мумкин бўлган умумий ахлоқнинг бир қисмидир. “Тиббий этика хулқ-атвор стандартлари тўпламини ўз ичига олади, шифокорнинг бурчини, виждони ва виждоний қадрини белгилайди” деб А.Грандо томонидан тадқиқ этилади.

Бир қатор адабиётлар таҳлили ва олимларнинг тиббий таълимни ривожлантиришдаги қарашлари касбий компетентлик мезонларини аниқлаш имконини берди: ***мотивацион мезон*** – ушбу мезон тиббий таълим талабаларини онгли равишда касбий фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб, уни фанларни ўзлаштиришга киришишга, тиббиётдаги замонавий билимларни ўзлаштиришга, профессионализмни ривожлантиришга туртки бўлади. Бу мезон бўлажак шифокорларни атрофга, жамиятга бўлган муносабатини ўзгартиради; ***когнитив мезон*** – ушбу мезон тиббий таълим талабаларини маънавий – ахлоқий ғояларини ва унинг тушунчаларини тўлиқлиги ва ҳажмини ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлигини таъминлайди; ***шахсий мезон*** – тиббий таълим талабаларини тайёрлаш жараёнида касбий

фазилатларни махсус аспектини шакллантириш, жумладан инсонийлик, интилувчанлик, масъулиятлилик ва бошқалар; ***фаолият мезони*** – ушбу мезон тиббиёт соҳасида қабул қилинган қарорлар, меъёрларга амал қилиш, ҳамда мунтазам равишда ўз устида ишлаб бориш.

Тиббий таълимнинг мақсади бўлажак шифокорларда компетентлик, масъулиятлилик, беморларга сидқидилдан ёрдам бера олиш, раҳмдиллик каби кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Булар тиббий фаолиятнинг иккита таркибий қисми орқали намоён бўлади: ***биринчиси,*** фаолиятдаги қадр – қимматлилик бўлиб, касбий фаолиятда ўзини-ўзи англаши, касбий ўзига хослик, гуманистик қарашларни қабул қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ; ***иккинчиси,*** касбий маданият ва фаолият асосларини технологик жиҳатдан ўзлаштириш. Тиббий таълим олдида бўлажак шифокорларнинг касбий ва шахсий ривожланиш даражасини белгилайдиган ушбу таркибий қисмларни уйғунлаштириш вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу умумий глобал йўналишлар таълимнинг барча босқичлари орқали қўйилган вазифаларни белгилаб беради. Улар бўлажак шифокорларни тайёрловчи барча кафедралар томонидан олиб бориладиган маърузалар, амалий машғулотлар орқали тушунтирилиши мумкин, лекин унда амал қилиниши керак бўлган касбий маданият педагогнинг ўзининг ҳатти – ҳаракати орқали намоён бўлиши мумкин. Тиббий таълим тизимида қўйилган умумий ва хусусий мақсадлар стратегияси мақсадларни белгилаш деб аталади.

Иккинчи боб **“Тиббий таълимда тиббиёт педагогикасини ривожлантириш технологияси”** деб номланиб, педагогиканинг асосий категориялари ва тушунчалари, уларнинг тиббий таълим тизимидаги семантик мазмуни, тиббий педагогикага йўналтирилган ўқитиш усуллари ва мазмуни, тиббий педагогикада модел ва векторли моделлаштириш масалалари ёритилган.

Тиббий таълим ўқув жараёнини таҳлил қилиб, унинг ўқув жараёнини ўрганар экамиз, тиббиёт олий ўқув юртларида амалиётни назария билан уйғунлашганини биринчи босқичдан кўришимиз мумкин, сабаби талабалар биринчи босқичдан анатомия, физиология фанларини ўқиши, шу билан бирга хорижий тилларни ҳам тиббиёт терминологияси асосида ўрганилаётганлиги уларни касбий фаолиятга йўналаётганликларини кўрсатиб турибди, шунингдек, талабалар босқичма – босқич клиник фанларга ўтиб боришлари ҳам ёритиб берилган.

Шундай қилиб, мақсадларга кўра тиббий таълимдаги педагогик жараён – бу ижтимоий тажрибани ёш авлодга беришнинг махсус мақсадли жараёни ташкил этилган, бу инсонни асосий қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайди.

Технологик даражада уни қуйидаги жиҳатлар ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. мақсадлар – нима учун ўқиш; мазмун - нимани ўрганиш; усул ва воситалар – қандай ўрганиш (2-расмга қаранг):



2-расм. Тиббий таълим ўқув жараёнида талабаларда касбий компетентликка йўналтирувчи технологик даражалари

Шахснинг ривожланиши, унинг индивидуаллигини шакллантириш нуқтаи назаридан, энг муҳим қобилият – “бу мен хоҳлайман” ва “мен бажаришим керак” ўртасидаги муносабатларни тиклашни талаб қилади. “Мен ҳоҳлайман” каби муносабатнинг пайдо бўлиши талабалардаги истак, қизиқишларини ривожлантиради. Бўлажак шифокорга ўқув жараёнини ташкил қилишда “Мен қилишим керак” каби муносабатни сингдириш керак. Чунки, бўлажак шифокорларда талаб қилинадиган мажбурият бу масъулият эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда таълим жараёнида догматик таълим, юксакликка интилиш жараёнларини талабаларга сингдириш кўплаб олимлар томонидан самарали эканлиги тан олинмоқда.Тиббий таълим масалалари тадқиқ этилаётган бир вақтда тиббий таълим жараёнидаги энг самарали усулларни тадқиқ этамиз. Соғлиқни сақлаш назарияси таълим билан боғлиқ яхлит жараён сифатида муҳокама қилинади. Тиббиёт олий ўқув юрти талабалари Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тизим сифатида соғлиқни сақлашнинг нормал жараёнига таъсир этадиган омилларини билишлари зарур, дея таъкидлаган олим Н.В.Кудрявая ва булар қуйидагича белгиланган:

1.Индивидуал мойиллик - ирсият, перенатал даврдаги ривожланиш хусусиятлари, ўтмишдаги бахтсиз ҳодисалар ёки касалликлар, болаликдаги тарбиянинг табиати ёки бошқалар;

2.Ижтимоий мойиллик – жамиятнинг қадриятли йўналиши, шахснинг ижтимоий тури, индивидуал турмуш тарзи, муайян гуруҳга хос бўлган хулқ-атвор хусусиятлари, ўсмирлик давридаги таълим ва тарбия.

3.Ўсмирлик даврида шаклланган бола ҳаётининг шароитлари – даромадлари ва оилавий турмуш тарзи, уй-жой шароитлари, ишга жойлашиш имкониятлари, стресс ва инқирозли вазиятлар ва бошқалар.

4.Жамиятдаги шахсларнинг соғлиқни сақлашдаги имкониятлари – соғлиқни сақлаш хизматларидан бепул фойдаланиш, овқатланиш тартибига амал қилиш, санитария-профилактика чоралари, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги таълим ва бошқалар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатиб турибдики, жамиятда ўтиш давридаги ёшларнинг соғлигига таъсир этувчи асосий омил – бу ҳиссий қийинчиликлар эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Педагогика фанини тиббий таълимдаги аҳамияти хақида таҳлил қилар эканмиз, бугун соғлиқни сақлашнинг таълимдаги вазифаларини ҳам белгилаб олиш заруратини кўрсатди: 7 авлод наслининг соғлиқ заҳираси (резерви)ни яхшилаш; инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини таъминлаш;тиббий диагностика орқали боланинг интеллектуал лаёқат ва қобилиятларини

аниқлаш; поливитаминлар ва микроэлементларга бой махсус индивидуал овқатланиш дастурини тузиб бериш; боланинг ўқишга лаёқатли биоритм вақтларини белгилаб бериш.

Биз келажак авлодни шакллантиришда уларни тарбиялашда ҳам ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашимиз, ҳам тиббиётнинг, ҳам таълимнинг олдига қўйилган вазифалардан биридир деб белгиланди.

Бугун педагогиканинг бўлажак шифокорларни тайёрлашда аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратиш жараёнида педагогика фани бўлажак шифокорларнинг клиник фикрларини ривожлантириши масалаларига кенгроқ ёндошдик, ҳамда касбий таълим йўналиши талабаларининг мутахассислик амалиётлари давомида бўлажак шифокорларнинг клиник фикрлаши, ҳамда комплекс психотерапия усуллари билан бойитиш усулларини синадик: беморга тушунтириш, ўргатиш ва тарбиялаш орқали уни даволаш; беморни ишонтириш, таъсир кўрсатиш, оптимистик даволаниш умидини ҳосил қилиш; уни ўзгартира олиш: хато фикрлар, ортиқча ташвиш, хавотир ва қўрқув, ожизликлар, зарарли одатлар, ирим-сиримлар ва ғафлатдан халос қилиш; зарур ҳолларда мажбурий қоида ва тавсияларни бажаришни оқилона талаб қилиш, бошқариш, йўналтириш; беморнинг ўз соғлиғига масъулиятли муносабатини шакллантириш, руҳий-ижтимоий фаоллигини ошириш; аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий билим ва маданиятни ошириш.

Тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил қилишда “шифокор – педагог, бемор – бўлажак шифокор” тизими асосида иш олиб бориш талабаларни янада мустақил бўлишга ундайди. Масалан: амалиётчи педагог талабага беморни кўрикдан ўтказиш учун топшириқ беради, ҳамда талабага кўрикдан ўтказишни бирламчи белгиларини ўргатади. Талабалар учун муаммони ўрганиш нафақат касаллик симптомларини аниқлашни, балки касалликни анамнезини таҳлил қилишни, текширувнинг объектив маълумотларини етарли даражада талқин қилишни (сўров, текширув) ўтказишни, балки уларнинг сабабларини тушунишни ҳам ўргатади. Шу билан бирга, шифокор-педагог муқаррар равишда шахснинг мураккаблиги, номувофиқлиги, доимий ўзгарувчанлиги ва ўзига хослигини тан олишнинг гуманистик жараёнларига дуч келади.

Ўқитиш усуллари педагогик жараённинг мақсади, вазифалари, мазмуни ҳамда натижаларини назорат қилишнинг асосий компонентлари саналади. Тиббий таълимда ўқитиш усуллари қуйидагиларга хизмат қилади: педагог ва талабанинг маълумот алмашиши орқали (мулоқот орқали, тақдимотлар орқали ёки амалий намуна кўрсатиш орқали); талабаларнинг билим фаолиятини бошқариш орқали (тўғридан - тўғри, гуруҳ лидерлари ёрдамида ёки ўзини-ўзи назорат қилиш орқали); педагогнинг талабалар билан мулоқот қилиши орқали (фронтал, гуруҳ билан, индивидуал); рағбатлантириш, мотивация бериш ва деонтологик тарбия бериш; таълим жараёни самарадорлигини мониторинг қилиш.

Дастлабки, ўқитиш усули педагог томонидан режалаштирилган таълим ва касбий фаолият модели сифатида мавжуд бўлиб, кейинчалик у аниқ техникалар, ҳаракатлар, операциялар мажмуи сифатида амалга оширилади. Масалан, муаммони ҳал қилиш усули турли хил техниклардан ташкил

топади: касалликларнинг муҳим ва аҳамиятга эга бўлмаган аломатларини ажратиш; таълим гипотезларини шакллантириш (ташхис ҳақидаги тахмин орқали); касалликнинг асослари орқали (ташхисни асослаш, даволаш усуллари, олдини олиш); хулосалар чиқариш, умумлаштириш ва бошқалар.

Тадқиқотларимиз давомида тиббий таълим жараёнидаги талабаларнинг тиббиётга доир билим, кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи фаол таълим усулларини бир нечтасини ажратиб кўрсатдик, улар қуйидагилар: лаборатория амалиёти (препаратлар, муляжлар, лаборатория жиҳозлари билан жиҳозланган обеъктларни ўрганиш); клиник вазифаларни ҳал қилиш, симуляцион марказларда (пальпация, перкуссия, аускультация, қон кетишни тўхтатиш, сунъий нафас олиш ва бошқалар); ўқув жараёнидаги ролли ўйинлар; талабаларнинг ўқув-тадқиқот ишлари (ТЎТИ) ва талабаларнинг илмий -тадқиқот ишлари (ТИТИ): (мутахассисликларига доир адабиётларни кўриб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш, ҳамда касаллик варақаларини таҳлил қилиш).

Юқоридаги усулларнинг аксарияти муаммоли характерга эга. Улар тиббий (профессионал, клиник) онг ва тафаккурни ривожлантиришга қаратилганлигига тўлиқ мос келди.

Моделлаштириш процедураси объектив ва универсал гносологик процедура сифатида педагогикада кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам бугун тиббий педагогикани ўқитиш жараёнида турли хил моделлардан фойдаланиб, назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида педагогикада моделлаштиришдан фойдаланиш тажрибасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Таҳлилларимиз шуни кўрсатиб турибдики, моделларнинг қатъий ва аниқ таснифини тузиш мумкин эмас, чунки модел фақат билиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Векторли моделлаштириш техникаси (“эркинлик – қарамлик”, “фаоллик - пассивлик”) муносабатларига асосланади, олимлар таълим жараёнини бир нечта турларга ажратиб кўрсатишади. Масалан, польшалик олим Я.Корчаком томонидан аниқланган тўрт турдаги таълим жараёнини талабаларга таъсир қилиш хусусиятларини кўриб чиқайлик: ***догматик таълим жараёни*** – талабаларнинг пассивлиги ва масъулиятлилигини ривожлантиришга ёрдам беради; ***юксакликка интилиш жараёни*** – талабаларни фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшади, лекин маълум бир масъулиятлилик ҳиссини сақлаб қолади; ***хотиржамликни ҳис қилиш жараёни*** – талабани эркин шаклланишига ёрдам беради, лекин баъзи бир пассивликни пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади; ***ижодий таълим жараёни*** - талабани эркин фаол ривожланишини назарда тутади.

Тиббиёт педагогикасини ўрганиш жараёнида моделни қўллаш бу ифодаланаётган модел ёрдамида кузатилаётган объектни билиш моделлаштириш дейилади.

Тиббий таълимда касбий компетентликни ривожлантириш модели деб номланган учинчи бобида тиббий олий ўқув юртларида таълим жараёнини ташкил қилишнинг педагогик таҳлили, тиббий таълимда қўлланиладиган самарали усуллардан фойдаланиш имкониятлари, бўлажак шифокорларни педагогик фаолиятга тайёрлаш касбий компетентлигини ривожлантириш модели ёритилган.

Тиббий таълимда ўқув машғулотларига анъанавий тарзда тайёрланиш услубий кўрсатмалар мазмунини белгилайдиган режалар, изоҳлар ва тест саволларини тузишдан иборат эканлигидадир.Ўқув жараёнини ташкиллаш жараёнида тиббий таълимдаги бир муаммони таҳлил қилдик. Тиббиёт олий ўқув юртларида тузилиш ва таълимнинг асосий шаклларини ўзгартиришни талаб қилмайдиган ва ўқув жараёнини бошқаришга имкон берадиган интеграцион ўқитиш воситасини яратиш. Бунинг асосий ечимларидан бири, методик кўрсатмаларни амалиёт билан боғлашдир. Методик кўрсатмаларни тўғри тузиш, материалларни услубий жиҳатдан тўғри тақдим этиш, тиббиёт олий ўқув юртларида фанни чуқур ўрганишга имкон берди.

Тиббиёт олий ўқув юртларида дарснинг мақсадлари талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қараб шакллантирилади, ўқув машғулотининг мантиқий дидактик тузилиши ишлаб чиқилади, таълимни назорат қилиш вазифалари тузилади, беморларни ўрганиш режалари тузилади.Талабалар учун дарснинг услубий йўриқномасида дарснинг босқичлари тиббий таълимга мос равишда белгиланди: мақсади, дарснинг режаси, бошланғич билимни назорат қилиш бўйича топшириқлар, вазифаларнинг схемаси, ассимиляция натижаларини кузатиш бўйича топшириқлар, ҳамда Elsever илмий маълумотлар базасидаги Science – Direct онлайн кутубхонасидан фойдаланган адабиётлар (ушбу онлайн кутубхонада тиббиётдаги энг кўп янги маълумотларни олиш имкони бор).

Тиббий таълимда амалий дарснинг аҳамиятли томони унда талабалар ўқитувчи билан эркин мулоқотга кириша олиш жараёни ҳисобланади. Айнан амалий машғулот жараёнларида педагог ҳаракатлар ва назарий тушунчаларни назорат қилади ҳамда амалий кўникмаларни ривожланишини назорат қила олади.

Тиббий таълим жараёнида ўқув фаолиятини ташкил қилишнинг педагогик-психологик таҳлили бу клиник фанларни ташкил қилинишидадир. Клиник фанларнинг мақсади фаоллик билан белгиланади. Бу ассимиляция жараёнининг ўзи субъектидаги ҳаракатларининг шаклланишидан иборатлиги билан боғлиқ, шунинг учун, унинг натижасида маълум бир ҳаракат бўлиши керак. Бундан ташқари, клиник бўлимлар шифокорни касбий тайёрлашда етакчи ўринни эгаллайди ва ўқув жараёнини ташкил қилиш модели тиббий фаолиятни шакллантиришни ўз ичига олади.

Клиник кафедралар учун энг муҳимлари қуйидаги ҳаракат турлари: касалликларнинг диагностикаси; даволашнинг кенг қамровли режасини тузиш; муайян босқичлар билан даволашнинг режасини тузиш; профилактика режасини тузиш ва уни амалга ошириш; беморни тиббий ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш.

Психологик жараёнларнинг таъсири бемор ва унинг қариндошлари билан ҳиссий ва психологик муносабатларни ўрнатиш қобилияти билан боғлиқ мақсадларни амалга оширишда намоён бўлади: психологик хавфсизлик муҳитини яратиш; салбий баҳо беришдан бош тортиш; мулоқот услубидан тенг (шериклик сифатида) фойдаланиш; психологик-экспресс диагностика ўтказиш; беморларни психологик муаммоларини кўриш, тушуниш ва агар керак бўлса тиббий психологлар учун вазифани белгилаб бериш.

Тиббий таълим жараёнида самарали усуллардан фойдаланишдан мақсад шуки, ўқув фаолиятини турли хил шаклда, қизиқарли, жонли, сермазмун, маҳсулдор қилиб ташкил қилиш, ҳамда жадаллаштириш, фаоллаштиришдир. Бунда талабанинг мустақил фикрлаши ривожланади, билими ортади, мустаҳкамланади, мулоқот малакалари такомиллашади, шахсияти шаклланади ва ўқув жараёнининг самарадорлиги ортади.

Тиббий таълимда интеллект кўплиги назариясини қўллашнинг **3 та принципи** мавжуд: таълим турли интеллект типларини ривожлантириш; талабалар баъзида баҳолаш жараёнига жалб этилиши; ушбу назарияни ўқитиш жараёнида қўллаш ўқитувчидан билим, тайёргарлик, катта куч ва ижодкорлик талаб этади.

Ҳар бир шахс турли даражада ифодаланган камида тўққиз типдаги интеллектга эга эканлигини очиб берди: *вербал-лингвистик интеллект; мантиқий-математик интеллект; визуал-фазовий интеллект; жисмоний (мотор) - ҳаракатли интеллект; мусиқий-ритмик интеллект; шахслараро (ижтимоий) интеллект; ички шахсий интеллект; эмоционал интеллект; натуралистик (табиатшунос) интеллекти; экзистенциал интеллект.*

Тиббий таълимни янада ривожлантириш ўқитувчининг вазифалари, имкониятлари ва чекланишларини тушуниш, шунингдек ўқитишнинг ҳар бир босқичи учун маълум бир ўқитиш усули мақбул ўқитиш усулига эга бўлиш билан боғлиқ. Бугунги кунда талабаларни ўқув жараёнига кенг жалб қилишнининг энг самарали усулларидан бири бу – ***масофавий ўқитиш усулидир:*** масофавий таълим ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик йўналишнинг устуворлигини таъминлаш; қўлланиладиган янги информацион технологияларни педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлик принципи; таълим мазмунини танлаш принципи, яъни масофавий таълимдаги ўқув курслари ва фанлар мазмунини ДТС талабларига мос келиши; масофавий таълимда узатиладиган ёки олинадиган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш принципи; бошланғич билим даражасининг бўлиши шартлиги принципи; ўқитиш технологиясининг мос келиши принципи; ўқитишни мобил характерда бўлиши принципи; масофавий таълимни мавжуд анъанавий таълим шаклига қарши бўлмаслиги принципи.

Тадқиқотларимиз давомида бир масофавий таълимнинг бир қанча модулларини тадқиқ этдик ва тиббий таълимда энг самарали деб белгиланган модуллардан фойдаландик.

Консорциум (лот. “consortium” – шериклик, биргаликда иштирок этиш)**.** Ушбу модель иккита университетни бир-бири билан бирлашишни талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил этишни таъминласа, иккинчиси эса уларни тасдиқлаб, ўқув курсларига талабаларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда фақат университетлар эмас, балки битта кафедра, ўқув маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасидаги бошқа муассасалар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларини доимий равишда назорат қилиш ва муаллифлик ҳуқуқларини текшириш зарур бўлади. Бу моделга мисол қилиб, Канададаги очиқ ўқув Агентлигидаги (Open Learning Agency, Canada) таълимни олиш мумкин.

Франчайзинг (ингл. “franchise” – лицензия, ҳуқуқ)**.** Ушбу модель иккита университет бир-бири билан ўзлари яратган ўқув курслари билан

алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса талабалари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Буюк Британиянинг Очиқ университети қошидаги Бизнес Мактаби (Open University Business School, Great Britain) билан ўзаро ҳамкорликка эришган Шарқий Европадаги қатор университетлар ана шу моделга асосланиб, ўқув фаолиятини ташкил этади.

Тиббий таълим жараёнида масофавий таълимнинг асосий технологияларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: ***Интерактив технологиялар:*** интернет масофавий таълим портали; видео ва аудио конференциялар; элекрон почта орқали таълим; интернет орқали мустақил таълим олиш; масофадан бошқариш тизимлари; онлайн симулятор ва ўқув дастурлари; тест топшириш тизимлари. ***Интерактив бўлмаган технологиялар:*** видео, аудио ва босма ҳолда чоп этилган материаллар.

Тиббий таълим талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш деганда педагогнинг талабалар томонидан билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, улардан амалиётда фойдаланишга қизиқиш уйғотиш, фаоллигини, ижодкорлигини, мустақиллигини ошириш мақсадида таълимнинг мазмуни, шакли, усуллари ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари, ҳамда тиббий таълимда юзага келтириш хусусиятлари ва имкониятларини аниқланиши тадқиқот вазифалари билан мувофиқликда бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг моделини назарий асослаш ва ишлаб чиқилишига туртки берди. Олиб борилган тадқиқотимиз доирасида касбий компетентликни ривожлантиришга мутахассислик фанлар билан интеграцияга урғу берилди. Шу сабабли тиббий таълим жараёнини ташкил қилишнинг ***педагогик мақсад блоки, технологик блок, мониторинг блок*** тамойилларини ифодалайди (**3-расмга қаранг**).

Мақсадга оид блок тиббий таълим талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг босқичма-босқич жараёнининг акс эттирилиши ҳисобланади. Ушбу модел блокининг *1 ва 2 босқичида* тиббиёт институтига ўқишга киришда, ўқув жараёнини ташкил қилишда, ҳамда касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари “Даволаш иши” мутахассислиги мисолида ўрганиб чиқилди. Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг асосий жараёни ўқув режадаги ижтимоий-гуманитар фанлар, фундаментал фанлар саналади.

Талабаларда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг натижалари доимий равишда амалий машғулотларда, малакавий амалиётларида, касалхона, клиника, поликлиника, оилавий поликлиникаларда педагогик кузатишлар давомида *3-4 босқичда* аниқланади.

Моделнинг **мониторинг блокида** касбий фаолиятга доир деонтологик компетенцияларни ўз ичига олади.

Тадқиқотимизда тиббий таълим талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнини ташкил этишда аудитория ва

аудиториядан ташқари фаолиятни ривожлантиришни интегратив қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Педагогик мақсад блоки

Педагогик мақсад: бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш	***Вазифалар:*** бўлажак шифокорлик касбига нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш, касбий фаолиятни ривожлантиришда зарур бўлган билим, кўникма, малака ва касбий компетенцияларини технологик таъминлаш.	***Тамойиллар:*** илмийлик, праксиологик, ҳаётий воқелик билан алоқадорлик, таълим ва тарбия уйғунлиги, аксиологик, субъективлик, рефлексивлик	***Ёндошувлар:*** тизимли, аксиологик, праксиологик, шахс фаолиятига оид, компетентли, муҳитга оид

Технологик блок

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш шакллари	***Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш методлари***	***Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш воситалари***
Назарий, амалий, цикл дарслар, интеграл маърузалар, вебинарлар, электив курслар.	Тренинглар, мастер – класслар, тажрибали шифокор – педагоглар билан учрашувлар, тренинг-ўйинли, рефлексив	Симуляцион – марказлар, муляжлар, қўлланмалар, мультимедиа воситалари, 3Д ўқув адабиётлар

Мониторинг блоки

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожланганлик мезонлари, кўрсаткичлари, диагностикаси			
Мотивацион	**Когнитив**	**Операционал**	**Рефлексив**
Бўлажак шифокорларни касбга нисбатан мотивациясини ҳамда касбий муносабатини риволантириш	Касбий фаолиятга доир замонавий билимлар тизими	Касбий фаолиятга доир деонтологик компетенциялар	Касбий компетентлигини ривожлантирувчи сифатларни баҳолай олиш

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожланганлик даражаси		
Юқори	**Ўрта**	**Паст**
Касбий фаолиятга доир билимларнинг мавжудлиги улардан фойдаланишга интилишнинг фаоллиги, ўзини ўзи ривожлантира олиши, касбий фаолият мотивларнинг мавжудлиги	Касбий фаолиятга доир билимларнинг ўрта даражада мавжудлиги, касбий фаолиятида улардан фойдаланишда хорижий тажрибаларни қўллай олишларида, ўзини ўзи баҳолашда имкониятлар яратиш	Касбий компетентликни ривожлантиришга доир билимларни амалда қўллай олмаслиги, ўзини – ўзи бошқара олмаслиги

Натижа: Тиббий таълим талабаларини касбий компетентлик даражалари ривожланган.

Касбий билимлари, амалий тажрибалар орқали ортган ва амалиётда қўллай олади

3–расм. Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш модели

Моделнинг **натижадорлик блоки** касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатлар ривожланганлигининг мажмуавий аниқлаш мезони ва баҳолаш кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бунда мезон баҳолашни амалга оширилиши асосидаги белги, ниманидир аниқлаш ёки таснифлаш, баҳолаш ўлчови бўлиб, кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Кўрсаткичлар – кузатувчилар қайд қилиши мумкин бўлган натижалардир. Кўрсаткич белгилари: диагностик, ишончлилик, мажмуавийлик ҳисобланади.

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожланганлигининг юқорида қайд этилган мезонлари ва кўрсаткичларини ҳисобга олган малака талабида касбий компетентликни ривожланганлигининг даражалари паст, ўрта ва юқори деб белгиланди.

Паст даража – тиббий таълим талабаларининг касбий компетентлиги тўғрисидаги билимлар паст, касбий фаолиятда улардан фойдаланишга интилиш йўқ, ўзини ўзи адекват маънавий-ахлоқий баҳолаш эҳтиёжи йўқ, касбий фаолиятдаги масъулиятни олишга тайёр эмас.

Ўрта даража – тиббий таълим талабалари ўқув фаолиятни олиб боришларида касбий фаолият тўғрисида қониқарли даражада билимлар бор, Бироқ касбий фаолиятида улардан фойдаланишда ташқаридан туртки-устоз, профессор-ўқитувчидан ёрдам кутади, ўзини ўзи касбий фаолиятини баҳолашда иккиланади, касбий фаолият масъулияти етарли эмас.

Юқори даража – касбий фаолиятига доир билимларни чуқур эгаллаган, касбий фаолиятида улардан фойдаланишга интилади, ўзини ўзи адекват баҳолайди, касбий компетентлигини барқарор мотивларига эга, ўзини касбий фаолиятини тўғри баҳолайди, касбий фаолият масъулиятини зиммасига олишга тайёр.

Диссертациянинг **“Тиббиёт педагогикасини ўқитишда бўлажак шифокорларни касбий компетенциясини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган тўртинчи бобида бўлажак шифокорларда касбий компетентлигини ривожлантириш, тиббиёт олий ўқув юртларида тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мазмуни ва диагностикаси, тиббиёт олий ўқув юртларида тажриба натижаларини амалга ошириш ишлари ва таҳлили кўрсатиб ўтилган.

Тиббий таълим талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлаш асосан улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида самарали ишлашни ташкил этиш ва бошқариш технологияларига кўплаб мисоллар келтириш билан изоҳланади. Улар асосан интерактив технологиялар сифатида кенг қўлланилади.

Ушбу ҳамкорликда ўқитиш асосида самарали ташкил қилинадиган метод, технология ва стратегияларнинг ҳар бири таълимда маълум бир мақсад-вазифаларни кўзлайди, яъни фаолликни, қизиқиш ва мотивацияни ошириш, мулоқот малакаларини шакллантириш, қайтувчан алоқа ўрнатиш, билиш жараёнларининг муайян функцияларини ривожлантириш кабилардир. Тиббий таълим жараёнини ташкил қилишда энг самарали деб билган бир қатор методларни таҳлил қилдик: “Резюме” (Елпиғич) методи; “Буни биласизми?” методи; “Назария ва амалиёт” дидактик ўйини; “Пинборд”

методи; “Синектика” методи; “Синквэйн” технологияси; “Галереяни айланиш” методи; “Аквариум” методи, “Қандай?” иерархик диаграммаси, “SWOT – таҳлили”, “Концептуал жадвал”, “Тушунчалар таҳлили” схемаси ва б.

Қуйида кўрсатилган методларнинг таҳлиллари бўлажак шифокорлар ўқув фаолиятини ривожлантиришни, ҳамда касбий мотивациясини оширишга имкон беришини кўрсатмоқда.

Тиббий таълим талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш технологиясининг интеграл диагностик компонентлари, жумладан, бўлажак шифокорларда касбий компетентлигини ривожланиш мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари, мувофиқ диагностик методлар ва шкалалар интеграл диагностикани амалга оширувчи механизмнинг таркибий қисмлари этиб белгиланди.

Интеграл диагностик тадқиқотни олиб боришда қуйидаги шартларнинг бажарилиши ҳисобга олинди: мезонлар, кўрсаткичлар ва касбий фаолият самарадорлигини ўрганувчи методикаларни танлашда тизимли ёндашув; педагогик ҳамкорликка амал қилиш, авторитар педагогик босимга йўл қўймаслик; анонимликни сақлаш ва натижаларни ягона математик таҳлилдан ўтказиш.

Интеграл диагностикани юзага чиқишида қуйидаги тамойилларга таянилди:

яхлит ўрганиш принципи тадқиқотда тизимли ёндашувдан максимал фойдаланишни, талаба шахсидаги етакчи фазилатлар билан ўргатилаётган касбий компетентликни ривожлантиришга доир компетенцияларни шакллантириш, талабаларнинг ўзига ишончи, ёш хусусиятлари ва умумий ривожланиш даражаси, шунингдек, шахснинг фазилатларини тарбиялашга таъсир этувчи ташқи омиллар хилма-хиллигининг намоён бўлиши, ўрганилаётган фазилатлар мазмунининг очилиши ва бўлажак шифокорларнинг касбий фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигининг аниқ белгиланишини назарда тутади;

тадқиқот методларидан комплекс фойдаланиш принципи педагог томонидан талабаларни ўрганиш давомида комплекс метод ва интеграл диагностик методлардан фойдаланишни кўрсатади;

объективлик принципи педагогнинг талабалар маънавий-ахлоқий дунёқараши тўғрисида объектив билимлар ола билишини ифодалайди;

талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш уйғунлиги принципида таълим олувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш параллел равишда олиб борилади. Бунда педагогнинг асосий вазифаси диагностик методларни моҳирлик билан ўқитиш ва тарбиялаш методларига айлантира олиши ҳисобланади;

бир вақтнинг ўзида ҳам жамоа, ҳам шахсни ўрганиш принципида шахсни ўрганиш учун жамоани тадқиқ этиш, жамоани ўрганиш учун шахсни ва унинг тиббий жамоа билан муносабатини тадқиқ этишни кўзда тутади.

касбий-маънавий вазиятларни ўзгариш ва ривожланишда ўрганиш принципи. Бунда ўрганилаётган вазиятлар моделлаштирилади, ўзгаришлар юз беради ва бунда педагог шу асосда ишини ташкил этиши лозим бўлади.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади тиббий таълим талабаларида касбий компетентликни ривожлантириш жараёнини ташкил қилиш ва унинг мониторингини амалга ошириш ҳисобланди.

Тажриба-синов ишлари базаси сифатида Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институтининг “Даволаш иши” йўналиши, ҳамда “Тиббий педагогика иши” йўналиши талабалари олинди.

Тажриба-синов ишлари учун “Даволаш иши” йўналишининг 6 та гуруҳи талабалари олинди. ***Тажриба гуруҳларини*** 1- курсидан (12 нафар), 2- курсидан (12 нафар), 3- курсидан (10 нафар) ва ***назорат гуруҳларини*** 1- курсидан (12 нафар), 2- курсидан (12 нафар) ва 3- курсидан (12 нафар), 4- курсидан (12 нафар) , 5- курсидан (11 нафар) ва 6- курсдан (12 нафар) талабалари ташкил қилди.

Шунингдек, “Тиббий педагогика иши” йўналишининг 1 курсдан 6 курсгача бўлган 312 нафар талабалари ташкил этди. Тажриба-синов ишлари мазмунига кўра, тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқ биринчи гуруҳларда тиббий таълим жараёнини самарали ташкил этишда бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш самардорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, иккинчи гуруҳда эса стандарт дастур ва анъанавий таълим методларига асосланганлиги билан ифодаланди.

Олинган тажриба таҳлили асосида “Тиббий педагогика иши” йўналиши бўйича (ТГ) таҳсил олаётган биринчи курс талабаларининг аксариятида касбий компетентлигини ривожланганлиги 47,6%ида – паст, 43,4% ида – ўртача ва атиги 9%ида юқори эканлиги аниқланди.

“Даволаш иши” йўналиши бўйича (НГ) таҳсил олаётган биринчи курс талабаларида бу кўрсаткичлар шунга яқин, яъни 46,5%ида – паст, 44,4 %ида – ўртача ва атиги 9,1%ида юқори эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тажриба-синов ишларининг қайд қилувчи босқичининг якуний натижалари (бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш даражаси)

Гуруҳлар	Паст	Ўртача	Юқори
ТГ	47,6	43,4	9
НГ	46,5	44,4	9,1
Ўртача	47,05	43,9	9,05

Тажриба-синовларнинг қайд қилиш босқичида тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг касбий компетентлиги ривожланганлик даражаси мотивацион, когнитив ва шахсий мезонлар асосида аниқланди.

Шундай қилиб, сўров натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, сўралган талабаларнинг кўпчилиги (57,14%) анъанавий тиббий таълимни эмас, касбий билим, кўникма ва малакаларга эътибор берган ҳолда, касбий мотивациянинг ўта пастлиги кузатилди, респондентларнинг 42,8%и ўзлари учун тиббий билим, кўникмага эга, аммо бу касбий фаоллик билан

таъминланмаган. Касбий компетентлик мотивацияси даражаси жуда паст. Бу ҳолат тажриба гуруҳларида ҳам, назорат гуруҳларида касбий компетентлик муносабат даражалари кўрсаткичларнинг деярли бир хиллигини кўрсатади.

Шакллантирувчи тажриба ишларининг асосий мақсади касбий компетентликни тайёргарлик жараёнида бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш моделини экпериментал текшириш ҳисобланди. Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожланганлигининг мажмуавий мезонлари сифатида тадқиқот ишининг учинчи бобида танлаб, асосланган касбий компетентлик позицияда акс этган мотивацион, когнитив, операционал, рефлексив компонентлар кўрсаткичларини бирга акс эттириш билан аниқлаштирилди.

Якунловчи тажриба-синов босқичида ахборот технологиялари асосида бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини шаклланганлик мезонлари назорат саволлари, сўровнома, педагогик кузатув, суҳбат, интервью усуллари орқали аниқланди. Тажриба-синов ишлари натижасида талабалар томонидан касбий компетентлик даражалари сезиларли даражада ўзгарди (2- жадвал).

2-жадвал

Бўлажак шифокорларда касбий компетентликни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг статистик қийматларини таққослама жадвали

Т/р	Гуруҳлар	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Талабаларнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст	Талабаларнинг умумий сони	Юқори	Ўрта	Паст
«Даволаш иши» йўналиши									
1	I	47	30	12	5	48	12	17	19
2	II	46	27	12	7	48	13	15	20
3	III	50	29	11	10	48	15	16	17
Жами		143	86	35	22	144	40	48	56
Фоизларда		100%	60,1	24,5	15,4	100%	27,9	33,5	39,1
«Тиббий педагогика иши» йўналиши									
1	I	60	33	14	13	58	21	22	15
2	II	**60**	35	15	10	58	24	21	13
3	III	60	37	10	13	58	17	23	18
Жами		180	105	39	36	174	62	66	46
Фоизларда		100%	58,3	21,7	20,0	100%	35,6	37,9	26,5
Хаммаси		323	191	74	58	318	102	114	102
Фоизларда		**100%**	**59,2**	**22,9**	**17,9**	100%	32,0	36,0	32,0

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган назорат гуруҳи талабаларига нисбатан билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичдаги каби тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган 1-2 танланмалар сифатида белгиланиб юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди. Бу диаграммада қуйидаги кўринишни олди. (4- расмга қаранг)



4-расм. Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш даражасининг диаграммаси

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолатлар учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди. (3- жадвалга қаранг)

3-жадвал

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш даражаси бўйича тажриба –синов ишларининг статистик кўрсаткичлари

$\overline{X}$	$\overline{Y}$	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_m	$\Delta_к$
2,41	2,00	0,6019	0,64	1,8	2,24	6,65	638,7	47,61	0,08	0,09

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсатгичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\overline{X}$=2,41; $\overline{Y}$=2; $\Delta_x = 0{,}08$; $\Delta_y = 0{,}09$ га тенг.

Бундан сифат кўрсатгичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\overline{X} - \Delta_x)}{(\overline{Y} + \Delta_y)} = \frac{2{,}41 - 0{,}08}{2 + 0{,}09} = \frac{2{,}33}{2{,}09} = 1{,}11 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\overline{X} - \Delta_x) - (\overline{Y} - \Delta_y) = (2{,}41 - 0{,}08) - (2 - 0{,}09) = 2{,}33 - 1{,}91 = 0{,}42 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонини нолдан катталиги билан кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан(13,7 % га) юқори экан.

Шундай қилиб, назорат ва экспериментал гуруҳлар натижаларининг статистик жиҳатдан муҳим фарқи шуни кўрсатадики, аниқланган педагогик шартларнинг бажарилиши назорат билан таққослаганда экспериментал гуруҳда талабаларнинг касбий компетентлигини ривожланиш даражасининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Тажриба-синов ишлари биз амалга оширган педагогик шарт-шароитлар доирасида тиббий таълим талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича тиббий таълим жараёнини ташкил этишга бўлган ёндашувимизнинг самарадорлигини тасдиқлади. Ушбу шарт-шароитларнинг жорий этилиши бўлажак шифокорларга касбий компетентлик, деонтологик асослари, инсонга, касбий муносабатларга бўлган қарашларини, эмпатик қобилиятларнинг ривожланиш даражаси тўғрисидаги билимларни оширишга, зарур касбий компетентликни шакллантиришга ва ўзини ўзи касбий ривожланганлик даражасини англашга ёрдам беради. Шу сабабли тажриба-синов ишлари натижалари тадқиқотда белгиланган назарий қоидаларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

ХУЛОСАЛАР

1.Бўлажак шифокорларни намунали зиёли, юксак малакали мутахассис, кенг тажрибага эга, маданиятли, ижодий фаол, ўз касбига масъулият билан ёндашувчи, беморлар билан эркин мулоқотга кириша оладиган, ўз соҳасига доир замонавий билимларга эга шифокор – педагог сифатида тайёрлаш тиббий таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

2.Тиббий таълимнинг умумий тенденцияларини ривожлатириш, тиббий таълимдаги ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, ўқув жараёнининг умумий стратегиясини ташкил қилиш, ҳамда талабаларни педагогик фаолиятга босқичма – босқич тайёрлаш Даволаш иши йўналиши талабаларининг назарий ва амалий тайёргарлиги, ҳамда касбий фаолиятини амалга оширишдаги масъулиятини ҳисобга олган ҳолда, тиббий таълимда талабаларни тайёрлашнинг амалий йўналишларини аниқлаш, ҳамда фанлараро интеграциясига эътибор қаратиш.

3.Тиббий таълим жараёнида талабаларни Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўқув жараёнига таъсир этадиган омиллар: индивидуал мойиллик,ижтимоий мойиллик, ўсмирлик даврида шаклланган бола ҳаётининг шароитлари, жамиятдаги шахсларнинг соғлиқни сақлашдаги имкониятлари, соғлиқни сақлашдаги таълимнинг вазифалари, тиббий

таълимдаги ўқитиш усуллари, тиббий таълимни ривожлантиришдаги касбий фаолият модели, тиббий таълимда касбий компетентликни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

4.Тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча компонентлари ягона тизимга бирлаштирилиб, талабаларнинг педагогик фаолиятидаги тадқиқот ишларининг ягона тавсифи сифатида қисқа диаграммалар, жадваллар кўринишида тақдим этилганлиги, ҳамда рақамли технологиялар орқали тиббий таълим жараёнида касбий компетентликни ривожлантиришда кўрсатиб ўтилган.

5.Тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари касбий компетентлигини ривожлантириш – мураккаб, узоқ давом этадиган, изчил ривожланиб борувчи жараён бўлиб, бунда таълим жараёнининг барча иштирокчиларидан ҳамкорликда ишлаш талаб қилади. Ушбу жараённинг самарадорлиги ўтказиладиган семинар-тренингларнинг асосга эгалиги, тизимлилиги, креативлиги, ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигига, талабалар учун ўзини ўзи ривожлантиришнинг энг мақбул шарт-шароитларини яратиш каби омилларга боғлиқлиги кўрсатилган.

6.Ўтказилган тажриба-синов ишлари тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва тиббиёт олий таълим муассасаларида жорий этилган методикаларнинг самарадорлигини тасдиқлади.

7.Тадқиқотда бўлажак шифокорларни касбий компетентлигини ривожлантиришнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилди: мотивацион; когнитив; шахсий; фаолият мезони кабиларнинг комплекс қўлланилиши қўлга киритилган натижаларнинг холислиги ва юқорилигини таъминлайди.

8.Бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган назарий тадқиқот ва тажриба-синов ишлари натижаларидан келиб чиқиб, бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш даражасини ошириб бориш каби педагогик шарт-шароитлар ёрдам бериши ўз тасдиғини топди.

9. Тажриба-синов ишлари натижалари, бўлажак шифокорларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш модели ва унинг асосий қоидаларини амалга оширадиган “**Мутахассислик фанларини ўқитишда инновацион ёндашувларнинг долзарб муаммолари**” махсус курсининг жорий қилиниши самарадорлигини тасдиқлади ва таклиф этилган материалларни олий тиббиёт таълими муассасаларида ўқув жараёнида фойдаланиш имконини берди.

10. Бўлажак шифокорларни ўқув жараёнида шакллантириб, уларни ўқув фаолиятининг барча соҳаларида таълим жараёнининг меъёрий жиҳатдан тартибга солишнинг муҳим воситасидир. Шунинг учун таълим жараёнининг вазифалари ва мазмунини бўлажак шифокорларнинг касбий фаолияти нуқтаи назаридан аниқлаштириш уларнинг касбий компетентлигини самарали ривожлантиришни таъминлайдиган педагогик шартлардан биридир.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятини ривожлантирувчи интеграл маърузалар режаларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириб бориш;

бўлажак шифокорларда касбий компетентлигини ривожлантиришда малакали шифокорлардан, ҳамда хорижлик профессор - ўқитувчилар тажрибаларидан фойдаланишни кўзда тутувчи кейслардан, методикалардан самарали фойдаланиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенциялар тизимини такомиллаштиришда тьюторлар фаолиятини, ҳамда уларнинг талабалар билан ишлаш режаларини уларнинг мутахассисликлари доирасида такомиллаштириб бориш;

талабаларга ижодий тажриба орттириш учун шароит, уларни нафақат шифокор балки шифокор – педагог сифатида шакллантириш учун имконият яратиш ва уларнинг таълим жараёнидаги имкониятларини кенгайтириш, уларни касбий компетентлигини ривожлантириш учун қулай муҳитни яратиб, касбий мотивациясини шакллантириш;

олий тиббий таълим муассасалари расмий сайтларида, телеграм каналларида тиббий таълим жараёнига тегишли янги методикаларни мунтазам бериб бориш, тиббиёт педагогикаси ривожланган хорижнинг етакчи тиббиёт олий ўқув юртлари билан вебинарлар, интеграл маърузаларни йўлга қўйиш ва шу орқали талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАДИРОВА МУНИРА РАСУЛОВНА

ТЕХНОЛОГИИ МЕТОДИЧЕСКОГО ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ В ПРОЦЕССЕ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ
(на примере преподавания педагогики в медицине)

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (медицина) (педагогические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан за № B2021.4.DSc/Ped188

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русскм, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyonet.uz.).

Научный руководитель:	**Мусурмонова Ойниса** доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ахмадалиева Нигора Одиловна** доктор медицинских наук, доцент
	Исмоилова Зухра Карабаевна доктор педагогических наук, профессор
	Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна доктор педагогических наук,доцент
Ведущая организация:	**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «22» апрель 2022 года в 13:00 часов на заседании разового Научного совета при научном совете PhD.03/04.06.2020.ped.76.02. по присуждению ученых степеней при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, город Наманган, улица Бобуршох, дом. 161 Тел.: (99869) 228-85-01; факс: (99869) 228-85-02; e-mail: info@ namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано за № 720). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Автореферат диссертации разослан « 8 » апрель 2022 года.
(протокол рассылки № 2 от « 8 » апрель 2022 года).

Т.Файзуллаев
Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Ш.К.Хужамбердиева
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

Ф.И.Саломова
Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Развитыми странами мира приняты нормативные документы на основе целого ряда исследований, посвященных вопросам медицинского образования, деонтологии будущих врачей и их профессиональной компетентности. В частности,в этот ряд входят «Медицинская педагогика» и «Медицинская деонтология», внедрённые в Akkon Hochschule für Humanwissenschaften в Германии, «Педагогика здоровья» в США, «Эдинбургская декларация Всемирной федерации медицинского образования» и «Международный медицинский кодекс». Прежде всего, у них выражением формирования самовосприятия как профессионального развития для достижения целей профессиональной деятельности, определенных обществом; во-вторых, это система человеческих отношений в медицинской, педагогической профессии.Во всемирных образовательных и научно-исследовательских учреждениях профессиональная культура и профессиональный настрой будущих врачей напрямую определяется их профессиональной деонтологией. Следовательно, эти концепции требуют комплексного исследования при подготовке будущих врачей.

В мировой научной литературе некоторые аспекты этой социально-педагогической проблемы в той или иной степени изучены и накоплен опыт поиска путей ее решения. Однако недостаточная изученность аспектов проблемы профессиональной компетентности будущих врачей требует специального изучения теоретических аспектов профессиональной компетентности, профессиональной деонтологии и сочетания профессиональной культуры в процессе медицинского образования.

В последние годы в нашей стране происходит реформирование сферы медицинского образования, вывод качества медицинского образования на новый уровень, внедрение современных механизмов для повышения квалификации будущих врачей, на основе международного опыта создана нормативно-правовая база обновления ресурсов современных медицинских учебников и наряду с этим развивается материально-техническая база. «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение потенциала качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»[5], эти задачи были определены как приоритетные в сфере медицинского образования. В условиях сегодняшней пандемии требования к подготовке врачей,обладающих современными знаниями, развитию их профессиональных компетенций и повышению их социальной активности соответствуют вышеизложенному.

Данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 – сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Республики Узбекистан»,УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года»,Постановлении № УП-6017 от 30 июня 2020 года «О мерах по коренному реформированию государственной молодежной политики в Республике Узбекистан и выводу ее на новый уровень», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4884 от 6 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования»,Постановлении от 06.05.2019 № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки» ,а также в других нормативных документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исследования по вопросам «Медицинской педагогики» в медицинских вузах, а также разработка философских и методологических, методологических основ здорового образа жизни, разработка критериев и уровней его объективной оценки проводятся в ведущих вузах и научных центрах мира, таких как университет Akkon Hochschule für Humanwissenschaften, Германия, Центр исследований систем здравоохранения Сеульского национального университета, KOSHA, KASP(Южная Корея), HPRC (США),База данных Интернет-ресурсов в области общественного здравоохранения Министерства здравоохранения Англии,Университет Брайтона, AYPH и Федеративный центр здоровья(Великобритания), JOICFP,JSHEP (Япония);Школа общественного здравоохранения и первичной медико-санитарной помощи, Пекинский союзный медицинский колледж и Школа общественного здравоохранения (КНР); Глобальная коалиция технологий здравоохранения, Международный институт естественных наук, Научно-практическиий центр гигиены, СДУ (Россия).

